


Вужудимиз ибодат учун яратилган



16:49 / 27 марта 840

Рамазоннинг охирги кунлари ҳам етиб келди. Ибодатларга янада жидду жаҳд билан киришадиган паллалар...

Юртимизнинг кўпгина масжидларида Қуръон хатмлари ўз поёнига етди. Хатмларда тик туриб оғриб қолаётган бу оёқларимиз эртага қиёматда фойдамизга гувоҳлик беради, иншаАллоҳ! Оёқларимиз билан ножоиз жойларга қадам босган бўлсак, масжидлардаги хатмларда туришимиз ўша гуноҳларга каффорат бўлишидан умидвормиз!

Вужудимиз ибодат учун яратилган. Шундай экан, беҳисоб савоблар бериладиган ушбу ойда ибодатларга маҳкам бўлайлик. Зоро, ҳали ҳам биз учун жаннат эшиклари очик, ҳануз жаҳаннам эшиклари ёпиқ, ашаддий душманимиз шайтон эса кишандан бўшатилмаган. Ҳар лаҳзада Аллоҳ таолонинг раҳматию мағфиратига мушарраф бўлишимиз, жаҳаннам оловидан озодликка эришиш имконимиз бор.

Рамазон оидаги солиҳ амалларимизни шу қадар кўпайтиришимиз лозимки, улар Рамазондан кейин ҳам, тоинки умримизнинг охиригача шайтонга, нафсимизга қарши курашишда биз учун қалқон бўлсин! Қалқонимизнинг мустаҳкамлиги ўз қўлимизда!

Аллоҳим, барчамизга Рамазоннинг қадрини топишни насиб қилгин! Қалқонимизни мустаҳкам қиласиган солиҳ амалларга илҳомлантириб қўй! Зоро, бу дунёда биздан талаб қилинадигани – истиқоматда бўлишдир,

яъни солиҳ амалларни қилишга Рамазонда ёки бошқа бир вақтда қаттиқ киришиб, бир оздан кейин тўхтаб қолмасдан, уларда бардавом бўлишдир.

Аллоҳим барчамизни истиқоматда бўлишимизга муваффақ айла!

«Рамазон соғинчи» китобидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2021 йил 11 февралдаги 03-07/905-рақамли хуносаси асосида чоп этилган.